

MUNOSABAT

ШАШТИМ КУЧАЙДИ

Болаликдан ногиронман. Аммо бундай қисматдан сира нолимай, Яратганининг бир синови сифатида қабул қилиб яшайман. Ҳамиша яхшиликка интилганим боис, ҳаётда кўпгина ютуқларни қўлга киритдим.

Яқинларим: "Барига меҳнатсеварлигинг эвазига эришинг", — дея руҳимни кўтарди. Эҳтимол, Аммо, тан олиш керакки, биз, ёшларга қаратилаётган юксак эътибор, хусусан, ёш тадбиркорлар учун яратилган шароитлар ҳам менга куч-шижоат бағишлаб келмоқда.

Имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-ҳунар коллежиди ўқидим. Маълум муддат пойтахтда ўз соҳам бўйича ишладим. Сўнг Сирдарёга қайтиб, яқка тартибдаги тадбиркорлик билан шугулланиш истагида олтита тикув машинаси ва ижара ҳақи тўлашга жуда қийналдим. Бошқа муаммолар ҳам юзага келарди. Ниҳоят, Ёшлар иттифонининг туман кенгашига мурожаат

қилишга тўғри келди. Бу ташкилот менга ўз вақтида суянч бўла олди. Сардоба туманидаги Пахтабод қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи биносидан жой ажратиб беришди. Ҳозир ун нафар тенгдошимни доимий иш билан таъминлаганман. Келгусида фаолиятимни янада кенгайтириб, 50 дан зиёд иш ўрни яратиш ниятидаман.

Президентимизнинг 2018 йил 11 июндаги "Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини ўқиб қувондим. Мазкур қонун ҳужжати ногиронлиги бўлган ва ижтимоий муҳофазага муҳтож юрдашларимиз учун аини мудао. Тўғри, инсонда истак кучли бўлса ҳамма нарсага эришиши мумкин. Аммо баъзида бошқаларнинг даласи, кўмағига муҳтож бўлиб қоламиз. Юқоридаги ҳужжат ана шундай пайтга менга ўхшаган инсонлар олдига кенг имконият эшигини очди.

(Давоми 2-саҳифада)

ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ ЯХШИЛАШ, ОДАМЛАРНИНГ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ — ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИДИР

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 12-13 июнь кунлари Фарғона вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташрифининг биринчи кунини кўплаб лойиҳалар билан танишиш, тадбиркор ва инвесторлар, ишчи-хизматчилар, фермерлар, нуриийлар билан учрашиш. Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Фарғона вилоятига ташрифининг иккинчи кунини Шарқий ҳарбий округга қарашли

ҳарбий қисмда бўлди.

Бу ерда Ҳавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида берилган вазифалар ижросининг бориши билан танишиш, ҳарбий-ҳаво десантчилари бригадаси машғулотларини кузатиш, аскар ва офицерлар билан мулоқот қилди.

Мамлакатимиз сарҳадлари ҳимоячиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш масаласи доимий эътиборда. Хусусан, ушбу ҳарбий қисмда ҳам Ватан ҳимоячиларининг ўз хизмат бурчини намунали ўташи учун барча шароит яратилган.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий қисмда ташкил этилган Маданий ҳордақ маркази, Маънавият маркази, аутсорсинг тизими жорий этилган ошхонани кўздан кечирди.

— Ватанни севиш — улугъ фазилат. Ёшларимизни ана шундай

фазилатли қилиб тарбиялашимиз керак. Бунинг учун сиз каби мағрур, бақувват йигитлар намуна бўлиши зарур. Ёшлар билан тез-тез учрашиб туриш, уларни миллий ифтихор, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга ҳисса қўшиш керак, — деди Президент.

Учрашувда ҳарбийларнинг яшаш шароитини яхшилаш, уларни уй-жой билан таъминлаш ишларини янада жадаллаштириш лозимлиги қайд этилди. Бунинг учун жойларда ташкил этилган ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятини такомиллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Ҳарбий-ҳаво десантчилари тайёргарлигини ошириб бориш учун аэродинамик тренажерлар ўрнатиш, «Ватанпарвар» ташкилотлари ҳузурида парашютчилар тўғрақлари очиб буйича топшириқлар берилди.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ I ҚУРУЛТОЙИГА

16
КУН ҚОЛДИ

Ёшлар иттифоқи уран қазиб олиш технологиясини яратган навоийлик ёш тадқиқотчи **Ойбек Қурбоновга** инновацион ишланмасини Интеллектуал мулк агентлигида патентлаши учун тавсиянома берди.

YOSHLAR PRESS-KLUBIDA

КУТИШ КЕРАК ЭМАС!



Р. НАЗАРМАТОВ

Ёшлар пресс-клубида БМТнинг Ёшлар ишлари бўйича махсус вакили Жаятма Викраманаяке билан учрашув ташкил этилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, қатор вазирлик ва илоралар вакиллари, фаол йиғит-қизлар қатнашган тадбирда ёшлар муаммолари бўйича халқаро муносабатлар муҳокама қилинди. Ж. Викраманаяке бу борада юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ишлар хусусида тўхталиб, бунинг самараси ўлароқ ўзбекистонлик ёшлар жаҳон узр тан олинаётганини қайд этди.

Очиқ мулоқотда ўғил-қизларни глобал таҳдидлардан ҳимоя қилиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиб, ин-

новацион салоҳиятини ривожлантириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шундан сўнг Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг глобал ёшлар форумида иштирок этган вакилимиз Моҳистара Мухаммадунусова халқаро анжуман таассуротлари билан ўртоқлашди.

— Кутиш керак эмас! Таклиф ва гоёлар ёшларнинг ўзидан чиқишини хоҳлардим, — дейди Жаятма Викраманаяке. — Ташаббусни қўлига олган инсон мақсади сари дадил одимлайди.

Тадбир давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мутахассисга мурожаат қилди.

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА

ҚЎШИМЧА КВОТАГА КИМ ҲАҚЛИ?

Умумтаълим мактаби ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасини тамомлаган ҳамда I ёхуд II гуруҳ ногирони бўлган абитуриентлар қўшимча квота асосида ўқишга киришга ҳақли.



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING "ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШ ЖАЗОСИНИ ЎТАЁТГАН, ҚИЛМИШИГА ЧИН КЎНГИЛДАН ПУШАЙМОН БЎЛГАН ВА ТУЗАЛИШ ЙЎЛИГА ҚАТЪИЙ ЎТГАН БИР ГУРУҲ ШАХСЛАРНИ АФВ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

2018 йил 12 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармони имзолади.

Фармонга мувофиқ илк марта таба муборак Рамазон ҳайити муносабати билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан билиб-билимай жиноят содир этган, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган озодликдан маҳрум этиш жазосининг ўтаётган 226 нафар фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 102 нафари жазодан тўлиқ озод қилинади, 71 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади, 39 нафарига тайинланган жазо енглироқ жазо билан алмаштирилади, бошқача қилиб айтганда, 212 нафар шахс жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинади. Шунингдек, 14 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилади.

Афв этилганларнинг 40 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, 39 нафарини чет эл фуқаролари, 37 нафарини аёллар, шунингдек, 51 нафарини таъқибланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Бу воқеа юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг, халқимизга хос баргиреклик, кечиримли бўлиш, олижаноблик ва меҳр-муруват кўрсатиш каби эзгу фазилатларнинг муборак Рамазон ойида янада юксак намоён бўлганлигининг амалий ифодасидир.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шугулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш юзасидан масъул вазирлик ва илораларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗА

O'ZBEKISTON BO'YLAB SAYOHAT!

<p>SAYOHATLARDA 2 261 838 YOSH ISHTIROK ETDI</p>	<p>SHARQ TAOMLARI FESTIVALLARI 34412 YOSH</p>	<p>"ULOQ-KO'PKARI" MILLY O'YINLAR FESTIVALI 53541 YOSH</p>
<p>SAYOHATLARDA 2 261 838 YOSH ISHTIROK ETDI</p>	<p>HUDUDLARARO 537 203 YOSH</p>	<p>"BAHOR-YOZ" MILLY LIBOBLAR KO'ZGAYLARI 27688 YOSH</p>
<p>ZIYORAT, EKO VA EKSTREMAL TURIZM 61 039 YOSH</p>	<p>TUMANLARARO 1 724 635 YOSH</p>	<p>"BAHOR IFORI" MILLY RAQIQLAR RESPUBLIKALAR FESTIVALI 39796 YOSH</p>
<p>JAZODAN OZOD ETILGAN VA JAZOSI YENIGILLASHDIRILGAN 806 YOSH</p>	<p>3000 SAYYOH</p>	<p>"SUMALAK SAYLI" TURKUM VA MILLY QADRIYATLAR FESTIVALI 48350 YOSH</p>
<p>Hindiston, Janubiy Koreya, Germaniya, Polsha, Bangladesh, Xitoy, Belorusiya, Saudiya Arabistoni, Turkiya, Yaponiya, Rossiya Federatsiyasi, Buyuk Britaniya, Gruziya, Vengriyadan</p>	<p>190 O'qitilgan, Turkmaniston, Tojikiston, Qozog'iston Respublikalaridan SAYYOH</p>	<p>90 Fransiya, Angliyadan SAYYOH</p>
<p>3000 SAYYOH</p>	<p>1730 I.V.SAVITSKIY NOMIDAGI DAVLAT SAN'AT MUZEYIGA SAYOHAT</p>	<p>235 357 YOSH QAMRAB OLINDI</p>

Инфографика: К. ИСМОИЛОВА



СИРДАРЁДАН
ҚЎҚОН САРИ



ҲАҚИҚИЙСИ
ПАНД БЕРМАЙДИ

ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ ЯХШИЛАШ, ОДАМЛАРНИНГ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ — ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИДИР

(Бошланиши 1-саҳифада)

Шавкат Мирзиёев Фарғона шаҳридаги Мустақиллик мавзесида барпо этилаётган кўп қаватли янги уй-жойлар билан танишди.

Дастлаб Фарғона шаҳрининг Бош режаси асосида амалга оширилаётган қурилиш-ободонлаштириш ишлари ҳақида маълумот берилди.

Президентимизнинг 2016 йил 22 ноябрдаги 2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп қаватли уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига мувофиқ, ўтган йили Мустақиллик мавзесида 7 қаватли 5 та уй қурилиб, эҳтиёжман оилаларга топширилган эди.

Бу уйлар 2 ва 3 хонали бўлиб, йигирма йиллик имтиёзли ипотека кредити асосида берилган. Хонадонларда барча шароит яратилган. Кватиралар иситиш қозони билан таъминланган. Биноларга замонавий лифтлар ўрнатилган.

Айни пайтда ҳудудда жорий йилга режалаштирилган 10 та уй, меҳмонхона, 150 ўринли боғча қуриб битказилмоқда. 2019 ва 2020 йилларда бу ерда яна 19 та кўп қаватли уй барпо этиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари кўп қаватли уйлар учун Туркия, Жанубий Корея каби ривожланган давлатларда қўлланилаётган турар жой биноларини блоклардан барпо этиш тажрибасини ўзлаштириш зарурлигини таъкиллади.

— Блоклардан қуриладиган уй тез битирилади, зилзилага бардошли, таннархи арзон бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев. — Ривожланган давлатларнинг барчасида ана шундай уйлар қурилмоқда. Мамлакатимизга блоклардан уй қуриш бўйича замонавий технология олиб келинмоқда. Бу келгусида уй-жой қурилишини кўпайтириш имконини беради.

Ижтимоий соҳа ходимлари, ўқитувчилар ва шифокорларга мўлжалланган кўп қаватли уйлар бунёд этишга киришиш, улар учун бошланғич бааал

тўловда имтиёзлар бериш истиқболдаги режалардан экани қайд этилди.

Шу ерда вилоятдаги мавжуд инфратузилма иншоотларини сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш, Фарғона, Марғилон, Қувасой ва Қўқон шаҳарларидаги кўп қаватли уйларнинг иситиш тизимини қайта тиклаш, вилоятда ичимлик суви ва канализация тармоқларини ривожлантириш лойиҳалари тақдимотлари ўтказилди.

Президентимиз Фарғона вилоятидаги ушбу йирик шаҳарларни ривожлантириш, аҳолининг муаммоларини ҳал этиш, иқтисодий-ижтимоий инфратузилмани яхшилаш, янги иш ўринлари ташкил этиш юзасидан мазкур шаҳарлар ҳокимларига зарур топшириқлар берди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Фарғона вилоятига ташрифи ниятисига етди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

ЎШИТДИНГИЗМИ?

НОЁБ КИТОБЛАР ТОПИЛДИ

Шаҳноза ХОЛИҚОВА

Нуробод тумани Жом қишлоғидаги эски масжидни таъмирлаш чоғида бир қанча қўлёрма китоблар топилди.



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Самарқанд вилояти кенгаши ташаббуси билан дарҳол тарихчи олимлардан иборат экспертлар гуруҳи шакллантирилиб, ушбу ноёб манбаларни ўрганишга киришди.

Топилмалар орасида Аҳмад Яссавийнинг “Девони ҳикмат”, “Тажвид қоидалари”, шунингдек, Абдурахмон

Жомий асарлари борлиги аниқланган. Маҳаллий ёшлар масжидни кутубхонага айлантириш тақлифи билан чиқди. Иттифокнинг ҳудудий кенгаши бу ишда жонбозлик кўрсатиб, ташкил этилажак янги зиё масканини китоблар билан тўлдириш вазифасини зиммасига олди.

ШАШТИМ КУЧАЙДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Қарорда қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус веб-портал яратилди. Мақсад ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар билан ҳомий ва ҳомий ташкилотларни бир-бири билан боғлаш, бошқача қилиб айтганда, ўзига хос дўстлик кўпригини яратишдан иборат.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, қарорда ногиронлиги бўлган шахслар учун иш

уринларини ташкил қилган тадбиркорларга қатор қўлайликлар бериш кўзда тутилган. Масалан, алоҳида тоифадаги тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредит олишда ёрдам кўрсатилади.

Президентимиз қарори билан танишар эканман, менда тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш истаги янада кучайди. Энди шунчаки бўш иш ўрни яратмайман. Балки айнан ижтимоий муҳофазатга муҳтож ва ногиронлиги бўлган тенгдошларимни иш билан таъминлайман.

Маймура ИСЛОМОВА


TASHABBUS

СИРДАРЁДАН КЎҚОН САРИ

Рохатой ҚОДИРОВА



Сирдарёнинг содда ва самимий халқи, жонкуяр ўғил қизлари бугун Ватаним, дея жавлон урмоқда. Бироқ гуруч курмасиз бўлмайди. Бебошлик ортидан номақбул ишларга қўл уриб, йўлдан адашган тенгдошларимиз, афсуски, орамизда учраб турибди. Уларга ҳам юрт раҳбари, кенг жамоатчилик бефарқ эмас.



А. ТҮЙЧИЕВ

Яқинда Ёшлар иттифоқининг Сирдарё вилояти кенгаши фаоллари Қўқон шаҳридаги махсус енгил sanoat касб-хунар коллежиди бўлди. Мазкур муассасада жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойиллиги туйфайли назоратга тушган қизлар таълим-тарбия олмақда.

Уларнинг 13 нафари Сирдарёдан. Иттифоқчилар коллежда ўқитган тенгдошлари билан дилдан суҳбатлашиб, қизиқишларини ўрганди. Бадиий дастур доирасида шеър, куй-қўшиқлар ижро этилиб, миллатлараро тотувликни тарғиб этувчи сахна кўринишларини намойиш этилди.

Энди Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши ходимлари коллеждаги сирдарёлик ўқувчилар ҳолидан мунтазам хабар олиб, ҳаққининг ўнгланиши ва келгусида оиласи баррига қайтиб, жамиятда ўз ўрнини топишига қўмаклашади.



AKS-SADO

БЕПУЛ ЮРИДИК ЁРДАМ КЎРСАТИЛАДИ

Боборавшан ҲОЗИДИНОВ

Маҳалладошлари Гулсора холянинг ҳақлигини айтиб, аёлга далла берарди. Лекин суд иккинчи маротаба ҳам унинг зиёнига ҳукм чиқарди.

Гап шундаки, холянинг турмуш ўртоғи ўттиз йил муқаддам оиласини тарк этган. Гулсора холя қизларини ёлғиз тарбиялаб, вояга етказди. Кексайғач, қайнотасидан мерос қолган уйда яшай бошлади. Пайтдан фойдаланган собиқ эри сохта ҳужжатлар асосида уйга эга чиқмоқчи бўлди. Иш туман судида кўрилди. Таассуфки, Гулсора холя қонунни билмагани туйфайли судда ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қила олмади.

Наилож, адвокат ёллашга мажбур бўлди. Хизмат ҳақини олдиндан тўлади. Мутахассис уни ишда ютиб чиқишига ишонтирди. Аммо ҳукм яна ўша. Судда адвокат Гулсора холяга биронта сўз айтишга қўймади. Ҳақ ҳам жонини қойитмаган. Хуллас, кўп йиллик можаро, ниҳоят, маҳалла оқсоқоли ёраамизда ҳал бўлди. Аммо шу вақт мобайнида Гулсора холянинг қанчалик сарсон-саргардон бўлиб, азоб-қубат чеккани ёлғиз ўзига аён. Агар Гулсора холя ишини сикқидимдан бажарувчи адвокатга дуч келганида бунчалик қийналмасди.

Президентимиз жорий йил 12 май кунини имзолаган “Адвокатура институти самардорлигини тўбдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони юқориди каби кўнглисиз ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Фармонда соҳадаги камчиликлар бирма-бир санаб ўтилган. Ўз-ўзидан савол туғилади: адвокатура институти бу аҳвол

га тушишининг сабаби нимада?

Шу чоққача адвокатлар фаолиятида суний тўсиқлар борлиги туйфайли улар ўз вақтида гумондор ёки айбланувчи билан холи гаплаша олмади. Бундан чиқди, адвокат миқозини тўла ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаган.

Эндиликда адвокатлар ўз ҳимояси остидаги инсон билан аудио ва видеокузатув қурилмалари бўлмаган махсус хоналарда ҳамда бегона шахсларнинг иштирокисиз ўз вақтида ва ҳеч қандай тўсиқларсиз учрашиши мумкин. Шунингдек, уларга очик суд жараёнида профессионал фаолиятини амалга ошириши учун компьютер, мобиль ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилди. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, адвокатнинг давлат органлари, қорхона, ташкилот ва муассасаларга маълумотнома ёки бошқа ҳужжатлар олиш учун юборган сўрови кўпи билан ўн беш кунда ўрганиб чиқиши шарт.

Тан олиш керак, аксарият юртодошларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билмайди. Оқибатда осонгина битадиган иш ҳам баъзан катта муаммага айланиши мумкин. Гулсора холя каби фуқаролар бундай вазиятга тушмаслиги учун Президент фармони асосида адвокатлик тузилмалари ва адвокатлар томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига бепул юридик ёрдам (pro bono) кўрсатиш тажрибаси йўлга қўйилади.

BELLASHUV

МАФТУНА — ЕТАЛЛУРГ АЛИКАСИ

Бекзода ҚОДИРОВА

Ёшлар иттифоқининг “Ўзметкомбинат” акциядорлик жамиятидаги етакчилар кенгаши ташаббуси билан касаба уюшмаси кўмитаси билан ҳамкорликда қорхонада меҳнат қилаётган ёш хотин-қизлар ўртасида “Металлург маликаси — 2018” танлови ташкил этилди.

Бекобод шаҳридаги “Металлурлар” маданият саройида бўлиб ўтган Беллашувнинг финал босқичида иштирокчилар олти шарт буйича баҳслашди. Қизлар пазанаалик ва артистлик маҳоратини, китобга қанчалик меҳр қўйганини намойиш этди. Миллий либослар кўргазмаси ҳам йиғилганларда ёрқин таассурот уйғотди.

Ҳакамлар ҳайъати ҳулосасига қўра, электрда пўлат эритиш цехи ишчиси Мафтуна Раҳматжонова “Металлург



маликаси” номига сазовор бўлди. 2-ўрин марказий ижро аппарати вакили Дилором Ярмаҳматова, 3-ўрин халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехи ходими Умида Ҳасановага насиб этди.

Ҳолиблар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

IMKONIYAT

КЛАСТЕР ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛДИ

Республикамизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган “Ёшлар тадбиркорлик кластерлари” бизнесга қадам қўяётган йигит-қизларнинг оғирини енгил қилаётир.

Кластерлар Ёшлар иттифоқининг туман ва шаҳар кенгашилари ихтиёрига берилган касб-хунар коллежлари биноларида жойлашиб, у ердаги ишлаб чиқариш ҳудудлари ёш тадбиркорларга беш йилдан кам бўлмаган муддатга бепул ижарага

берилмоқда. Шаҳрисабзлик Мафтуна Қурбонова ҳам шу имкониятдан фойдаланди. Иттифоқ кўмаги билан банкдан имтиёзли кредит олиб, каштадўзлик билан шуғулланмоқда. У тиккан бежири кийим-кечакларнинг ўзимизда ҳам,

Аҳпор СОДИҚОВ



хорижда ҳам бозори чаққон. — Икки нафар шогирдим билан бирга ишлаяпман, — дейди ёш хунарманда. — Аввал уйда фаолият кўрсатардим. Энди кичик бўлса-да, ўз цехим бор. Яхшиямки, шаҳримизда “Ёшлар тадбиркорлик кластери” очилди, жой излаб, сарсон бўлиб юрганам йўқ. Ҳозир дўппи, аёллар камзули, сумка, ҳамён, турфа пойабзаллар тайёрлаб чиқаряпмиз.

DOLZARB MAVZU



Қўшимча КВОТАГА КИМ ҲАҚЛИ?



Навбатдаги ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахслар олий таълим муассасаларига қўшимча квота асосида кириш имконига эга бўлади. Бу янгиликни республикамиз жамоатчилиги, шу жумладан, ёшлар мамнуният билан қарши олди. Кўп сонли муштарийларимиз илтимосига биноан Ёшлар иттифоқи қошидаги Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши раиси Баҳром ИХҲОМЖОНОВдан мавзунини батафсил шарҳлашни сўрадик.

— Олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча равишда икки фоизли квота ажратиш тартиби Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мувофиқ жорий қилинди.

2 июнь кунини ҳукумат “Олий таълим муассасаларига ногиронлиги бўлган шахсларни қўшимча давлат гранти квоталари асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги низомини ҳам тасдиқлади. Ҳужжатда қайда этилганидек,

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ ЁКИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАСИНИ ТАМОМЛАГАН ҲАМДА I ЁХУД II ГУРУҲ НОГИРОНИ БЎЛГАН АБИТУРИЕНТЛАР ҚЎШИМЧА КВОТА АСОСИДА ЎҚИШГА КИРИШГА ҲАҚЛИ.

Квоталар тақсими олий таълим муассасалари томонидан шакллантирилади. Ҳужжатларни қабул қилиш билан эса, тегишли олий ўқув юрти ҳамда

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий бошқармаси вакиллари билан иборат махсус комиссия шугулланади.

АБИТУРИЕНТ ҚАБУЛ КОМИССИЯСИГА НОГИРОНЛИгини ТАСДИҚЛОВЧИ ҲУҶЖАТНИНГ АСЛ НУСХАСИНИ КЎРСАТИШИ ШАРТ.

Жисмоний имконияти чекланган шахслар тест синовлари, касбий ёки ижодий имтиҳонларни бошқа абитуриентлар билан бир хил тартибда топширади. Истиқно шуки, қабул комиссияси имтиҳон ўтказиладиган бино ҳамда аудиторияда бу топфадаги ёшлар учун зарур шароитлар яратиб бермоғи лозим.

Кириш имтиҳонларида

Тўплаш мумкин бўлган энг юқори баланинг камида 30 фоизини тўплаган ногиронлиги бор шахслар баллар кетма-кетлигига қатъий риоя этилган ҳолда, қўшимча икки фоизли давлат гранти квоталари доирасида талабаликка тавсия этилади.

Н.БАҲОДИРОВА тайёрлади.

DUNYO BIZ HAQIMIZDA



“POLITICAL EVENTS” ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРИМИЗГА ҚИЗИҚДИ

Ҳиндистоннинг ахборот-таҳлилий журналида чоп этилган мақолада юртимиздаги сармоявий муҳит тобора яхшиланаётгани ҳақида ёзилган.

“Political events” таъкидлашча, Ўзбекистон сиёсий ва иқтисодий барқарор давлат. Мамлакатда тадбиркорлик фаолиятининг ривожига тўққонлик қилиб келган омиллар бартараф қилиниб, сармоядорлар ҳуқуқларини таъминлаш борасида

жиддий саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Экспертлар эркин иқтисодий ва кичик индустриал зоналарининг ташкил қилинаётгани, шунингдек, валюта тизимини эркинлаштириш борасидаги ислоҳотларга ҳам юқори баҳо берган.

“NDR” ВА “DAS ERSTE” НИГОҲИДАМИЗ

Германиянинг бу икки телеканали мамлакатимиз тараққиёт оидимларига бағишланган репортажларни эфирга узатди.

Хусусан, “NDR” охириги йилларда Ўзбекистонда рўй берган сиёсий ўзгаришларга алоҳида урғу берган. Лавха мўаллифи Голине Атай муқаддам қамоққа олиниб, Президент фармонида кура афв этилган собиқ маҳбуслар билан суҳбатлашар экан, мамлакат бу йўналишда оқилна қадам ташлаганини қайд этди. Журналист ёшларга оид давлат сиёсатига ҳам

тўхталган. Унинг таъкидлашча, бугун ўзбекистонлик ёшлар хорижга чиқишга кўп ҳам интилади. Улар она Ватанида меҳнат қилиб, барака топишига ишонмоқда. Германиянинг биринчи канали — “Das Erste” да намоиш этилган “Weltspiegel” кўрсатуви эса, Орол муаммосига бағишланди. Унда Мўйноқ аҳолисининг ҳаёти кўрсатиб берилган.

“МЕНОРА”ДА ИККИТА МАҚОЛА БОСИЛДИ

Исроилда нашр этиладиган кундалик газета ўз ўқувчиларини Хай Давидон Ўзбекистон Республикасининг сайёҳлик бўйича элчиси этиб тайинлангани ҳамда кўҳна Самарқанд сирларидан хабардор этди.

Биринчи материал Хай Давидон билан интервью шаклида тайёрланган. Унда мутахассис Исроилда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини кенг тарғиб этиш ниятида эканини маълум қилган.

“Кўҳна Самарқанд сирлари” сарлавҳали иккинчи мақолада

Шарқ гавҳарининг тарихи ва қадимги ёдгорликлари ҳақида сўз юритилди. Жумладан, Самарқанд икки минг йил давомида Буюк ипак йўлидаги асосий савдо марказларидан бири ҳамда урта аср Шарқининг етакчи илмий маркази бўлгани таъкидланади.

“THE NEWS” ЭЪТИБОР ҚАРАТДИ

Покистондаги етакчи ахборот агентлиги порталида мамлакатимиз иқтисодий ривожланишига доир мақола эълон қилинди.

Мўаллиф Т.Ахтар Покистон Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда фаол ҳамкорлик қилишга интилаётганини алоҳида мамнуният билан тилга олган. Шарҳловчининг ёзишича, мамлакатимиз хорижий сармоядорлар учун қўлай макон. Бунини Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси асосида

ишлаб чиқилган янги иқтисодий стратегия маҳсули, дея қабул қилиш мумкин. Шу билан бирга, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган юқори қўшимча қиймати маҳсулотлар жаҳон бозоридан анча рақобатбардор бўлиб, кўпгина ривожланаётган мамлакатлар, жумладан, Покистонда ҳам ўз харидорини топиши мумкин.

“Дунё” АА материаллари асосида тайёрланди.

ХАҲРИЯ САБОҚЛАР БЕСАМАР КЕТМАДИ



Сумбулой НУРМЕТОВА

Урганч шаҳридаги Ёшлар марказининг “Ёш ошпазлар” ва “Ёш сартарошлар” тўғарақлари битирувчилари “Меҳр гулшани” ногирон болалар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш жамиятида истиқомат қилаётган тенгдошлари ҳолидан хабар олди. Ошпазлар болалар учун турли пишириқлар тайёрлади.

— Бугун шоғирларимизни аъло даражада намоён этди, — дейди “Ёш ошпазлар” тўғарақи раҳбари Шухрат Матназаров. — Улар илк мустақил ишнинг имконияти чекланган тенгдошларига тақдим этишида ҳам рамзий маъно бор. Меҳрга мушток қалбларга оз бўлса-да қувонч улаша олганимиздан хурсанман.

Тадбир эл суйган санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури билан давом этди. Яқунда жисмоний имконияти чекланган ёшларга совғалар улашилди.

YOZ — 2018 БЎШ ҚОЛМАЙ, ИЛМ ЎРГАН!

Равшана ҚУРЯЗОВА

Таътилга чиққан ўқувчиларнинг талаб ва истакларидан келиб чиқиб Республика Ёшлар марказининг Тўрткўл тумани бўлинмасида ёз мавсумида бешта бепул тўғарақ фаолияти йўлга қўйилди.



Масалан, тикувчилик тўғарақига 96 нафар ўқувчи жалб қилинган. Уларга малакали чевар Манзура Олимова сабоқ бермоқда. Ўқув машғулоти уч ойлик дастур асосида олиб борилади.

— Уйда бекор ўтиргандан кўра, хунарга



ним яхши, — дейди Наргиза Аразматова. — Айниқса, тикувчилик биз, қизларга ҳамиша асқатади. Устозимдан жуда кўп нарсаларни ўрганилман. Бичиш-тиқишга қўлим анча келишиб қолди. Уйдагиларим ҳам мамнун. Ёз тугагунча ўқувим янада ортада деган умидман.

Ёшлар марказида компьютер саводхонлиги тўғарақи ҳам мавжуд. У ерда 98 нафар йигит-қиз шугулланяпти. Тўғарақ раҳбари Элдор Бегмуротовнинг айтишича, қизқувчилар ундан ҳам кўп.

— Дастлаб болаларга кундалик фаолиятда кўп керак бўладиган оддийроқ компьютер дастурлари билан ишлашни ўргатамиз, — дейди педагог. — Кейин бироз мураккабларига ўтилади. Шу зайдда уч ойда пишиқ-пухта билим олиш мумкин. Қишлоқ шароитида бу ҳам бир имконият-да. Асосийси, болаларнинг бўш вақти бесамар кетмайди.

Таътил пайтида тўрткўлик ўқувчилар инглиз ва рус тиллари, математика бўйича ҳам билимини бойитиши мумкин. Бундан ташқари, Ёшлар иттифоқининг туман кенгаши фаоллари марказда мунтазам равишда маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиб келмоқда. Масалан, яқинда “Ёшлар Ёшлар маркази билан ўткази” акцияси ўтказилди.

Айни вақтда тўғарақларга аъзоларни қабул қилиш давом этмоқда.

Сожида САПАЕВА,
Клара ХУДАЙБЕРГЕНОВА

YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA

ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚҚАН ҚАРС

Хоразм вилоятида 52 нафар ёш ички ишлар органлари профилактик назоратидан чиқарилди



Мазкур ташаббус яқинда воҳада ўтказилган “Биз келажакка ишонамиз!” шиори остидаги Ёшлар форуми доирасида амалга оширилди. Унда 150 нафар йигит-қиз: профилактик назоратда турувчи тенгдошларимиз ҳамда диний экстремистик оқимларга қўшилган шахсларнинг фарзанд-

лари қатнашди. Ёшлар уч гуруҳга бўлиниб, диний-маърифий, психологик ва ижтимоий-маънавий йўналишларда керакли тавсиялар олди. Ёшлар театр-студияси актёрлари иштирокидаги сахна кўринишлари ҳамда концерт дастури намоён этилди.

Кунини кеча Республика ёшлар марказининг Қорақалпоғистон бўлинмасида ўтказилган “Прокурор ва ёшлар” учрашувига профилактик ҳисобида турувчи 23 нафар вояга етмаган ёш жалб этилиб, спорт соҳасида эришган ютуқлари ва дарсларни яхши ўзлаштираётгани учун уч нафарига ижобий тавсиянома берилди. Тадбирда Нукус шаҳар прокурату-

раси ходимлари, жиноят ишлари бўйича суз судьялари, Ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгаши вакиллари ҳам иштирок этиб, ёшларни ижтимоий фаол бўлишга чақирди. Саккиз нафар ўқувчига Республика ёшлар маркази Қорақалпоғистон бўлинмасидаги рус ва инглиз тили тўғарақларида бепул ўқиш имкони берилди.

1 САВОЛГА 1 ЖАВОБ

— Меҳнат шартномаси иш берувчи ва ходим ўртасида қанча муддатга тузилиши мумкин?

Дилмурод ТҶУХТАМУРОДОВ
Пахтабод тумани



Саволга ҳуқуқшунос
Асрор ЭРГАШЕВ жавоб беради:

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 75-моддасига мувофиқ, меҳнат шартномалари беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга, номуайян муддатга ёки маълум ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши мумкин.

Агар меҳнат шартномасида унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, меҳнат шартномаси номуайян муддатга тузилган деб ҳисобланади. Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг розилигисиз муайян муддатга, шунингдек, муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб қайта тузилиши мумкин эмас.

МЕНИНГ ФИКРИМ

САЙҚАЛ ТОПСИН, СЎНДИРМАНГ!

Садоқат ЖАЛОЛОВА,
Ўқувчи

Столдаги расм дафтари ва қаламларига маънос тикилиб турган синглимга: “Нега бунақа ўтирибсан? Кел, яхшиси дераза ёнидаги бодомнинг суратини чизамиз”, — деб тақлиф қилдим. У истамайгина қалам, альбомларини олди. Сўнг аччиғланиб: “Сурат-пурат чизмайман”, — деб қўлмағиларини улоқтириб юборди. Бошини қуйи солганча йиғлашни бошлади. Уни овутишга роса уриндим.

Кейин ўзи кўнглини ёрди. Эндигина биринчи синфга қадам қўйган синглим устозига расм дафтарини кўрсатиб мақтанмоқчи бўлибди. Ўқитувчиси эса: “Ҳали сурат чизишга эрта. Ундан кўра, ҳарфларни тўғри ёзишни ўрган. Расм чизиб, ҳеч ким барака топмаган. Бу суратларингга қараганда сендан расм чикмаса ҳам керак”, — деб қойибди. Эҳтимол, синглимининг

суратлари чиройли эмаслар. Аммо Леонардо да Винчи, Камолдин Бехзод каби буюк расмолар ҳам бирданига санъат асари яратмаган-ку. Истеъдод рубога чиқиши, сайқал топиши учун вақт керак. Тинимсиз меҳнат билангина самарага эришиш мумкин. Ўқитувчи аслида боланинг иқтидорини илғаб, тўғри йўл кўрсатиши лозим. Нозирин танбеҳ билан болага озор етказиш, кўнглини чўктириш ҳеч гап эмас. Ўйлаб кўрайлик, азизлар.

MULOHAZA UCHUN MAVZU

ТАНЛАШ ИМКОНИАТИ



Мафтуна МИРЗАХҲАЕВА

Ҳинд афсоналарида битилишича, Худо аввал чиганокни яратиб, уни денгизнинг тубига тушириб қўйибди. Чиганокнинг озукаси тайёр, у кун бўйи фақат нафас олиш учун ойқулоқларини очиб, танасига бироз денгиз сувини ютса кифоя экан.

Ўзи учун емак ахтаришга мажбур экан. Айниқса, полапонлари пайдо бўлгач, бу юмуш икки ҳисса ортибди. Шунга қарамай, бургут бундай ҳаётга жон-жон деб рози бўлибди.

Худо инсонни яратганда унга икки жонзотдан бирининг ҳаёт йўлини танлаши мумкинлигини айтибди.

Бизда доим танлаш имконияти бор. Чиганок ўз истиқболини кенгайтириш имконини қўлдан бой берган инсон тимсолидир. Шу сабабли у бутун умр бир хил иш билан банд бўлишга мажбур.

Бургут эса, ўзгача. У ўзига анча мураккаб, аммо ёрқин келажак сари элтувчи йўлни танлаган. Ушбу йўлни танлаганлар билим олиш, касб-хунар эгаллаш ва ўрганганларини янада мустақкамлашга интилади. Бу келгусида уларни юксак марралар сари етаклаб, жамиятда ўз ўрнини топишига қўмак беради.



Сўнг Худо бургутни яратибди. Унга исталган жойга ҳеч қандай тўсиқларсиз учиб имкони берилди. Лекин бундай озодликнинг ҳам ўзига яраша қийинчилиги бўлиб, у ҳар куни

ЕРГА ЕТИШ НИЯТИДА ЎСАР ЭДИ СОЧ, БУГҮН ОРЗУ УШАЛАДИ, ЧУНКИ ҚАЙЧИ ОЧ!



Шерташвир муаллифи: Жаҳонгир МИРЗО


SIZ NIMA DEYSIZ?

ҲАҚИҚИЙСИ ПАНД БЕРМАЙДИ

Камолдин РҶЗИМАТОВ

XXI аср инсоният оламида кенг имкониятлар эшигини очди. Турли техник қурилмалар ёрдамида оғиримиз энгил, узогимиз яқин бўлмоқда. Айтилик, ҳозир жуда катта ҳажмдаги ахборотни миттигина телефон ёки планшет хотирасига бемалол сиғариш мумкин. Ёшлар орасида электрон китобхонанинг урф бўлаётгани ҳам шундан.

Бирок, тан олиш керак, электрон китоблар барчага ҳам бирдек манзур эмас. Тўғри, интернетдан исталган вақтда, турли асарларни тез ва қийинчиликсиз топса бўлади. Шундай эса-да, китоб жавонларига териб қўйилган китоблар илҳомнинг кераклигини излаб топиб, бирма-бир варақлаб ўқишнинг гашти бошқача. Мен электрон китобларни танқид қилиш фикридан йироқман. Лекин ўйлаб кўринг-а, яқин инсонингизни соғинганда



у билан телефонда сўхбатлашиш дийдор кўришиш завқини бера оладими? Йўқ, албатта. Худди шунингдек, босма нашрлар билан электрон адабиётлар бир-биридан анча тафовутланади. Мен ўзим ёқтирган ёзувчининг асарини хурмат билан қўлга олиб, бағримга босаман. Китоблар уйимга зиё таратиб, ўзгача файз киритади.

Бир неча кундан сўнг Абброр билан яна куришдик. Айтишича, “Ўткан кунлар”нинг ярмига етганида электрон китобни бузилибди. Эҳси, ўзи ҳам хафа бўлиб қолди. Ҳа, ҳақиқий китоб ҳеч қачон пана бермайди. Сиз қандай фикрдасиз, тенгдошим?

“TRADE CONSULT SERVICE”

МАСЪУПИЯТИ ЧЕКПАНГАН ЖАМИЯТИ

бошланғич баҳосини босқичма-босқич ошиб бориш тартибидда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион 2018 йил 16 июль кuni соат 15:00 да бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Академтаъминот” давлат унитар корхонаси ҳисобида бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари сотувга қўйилмоқда:

- 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/037DCA бўлган “Nexia”. Бошланғич баҳоси — 10 320 000 сўм.
- 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/501ECA бўлган “Nexia”. Бошланғич баҳоси — 9 079 000 сўм.
- 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/392ACA бўлган “GAZ/3102”. Бошланғич баҳоси — 4 643 000 сўм.
- 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/125SBA бўлган “GAZ/31029”. Бошланғич баҳоси — 5 173 000 сўм.
- 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/089KCA бўлган “GAZ/3110”. Бошланғич баҳоси — 6 123 000 сўм.

Юқоридаги мулклар 2018 йил 16 июль кuni сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 26 июль ва 6, 16 август кунлари соат 15:00 да ўтказилади. Талабдорлардан аризалар иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Талабдорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) иш кuni олдин соат 15:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдорлар “Закалат пули тўғрисидаги келишув”ни имзолагандан автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Trade Consult Service” МЧЖнинг АТБ “Туронбанк” Яшнобод филиали, МФО: 01083, СТИР: 304454706, 20208000800701688001 ҳисоб рақамига тўлаши ва қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси,

агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда закалат пули тўлаганлиги ҳақидаги тўлов қорғози.

Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Қўшимча маълумотларни: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Бўз-2 кўчаси, 69-уй манзили ёки +998 95 169 55 50 телефон рақами орқали олиш мумкин. Гувоҳнома № 011315.

“JAHON FUTBOL CHEMPIONATI”

BILIMDONLIK MASHQLARI



CHAYNVORD. 1. Futbol bo'yicha birinchi jahon chempionati o'tkazilgan mamlakat. 2. Osiyo qit'asining eng kuchli terma jamoasi. 3. Futbol vatani. 4. Qit'aga

nomdosh terma jamoa. 5. Futbol buyumlari ishlab chiqaruvchi firma. 6. Urug'vay terma jamoasi to'purari, "Barselona" a'zosi. 7. Futbol inshooti. 8. PSJda o'ynayotgan Braziliya

terma jamoasi to'purari. 9. XXI jahon chempionati bo'lib o'tadigan davlat. 10. Futboldagi holat. 11. Futbol anjomi. 12. XX asr futbol qiroli, to'purar. 13. Jahon chempionati

o'yinlarini boshqaradigan o'zbek hakami. 14. Mundial o'yinlari bo'lib o'tadigan shaharlardan biri. 15. Teng natija bilan tugallangan o'yin. 16. Hisob o'zgargan holat. 17. Iлк jahon chempionatida eng birinchi gol muallifi bo'lgan fransuz to'purari. 18. Shveysiya terma jamoasining sobiq sardori, to'purar. 19. Penalti jarimasida mohir to'purar hisoblanuvchi chililik darvozabon, murabbiy. 20. Futbol o'yini qismi. 21. Tarkibida mohir to'purar Muhammad Saloh bo'lgan terma jamoa. 22. Portugaliyalik futbol yulduzi, "Real" hujumchisi. 23. Yutuq hisobi. 24. Meksika terma jamoasi murabbiyi. 25. O'yindan tashqari holat. 26. Fransiya terma jamoasi murabbiyi. 27. Belgiya terma jamoasi murabbiyi. 28. "Manchester Siti"da o'ynayotgan Angliya terma jamoasi himoyachisi. 29. XXI asr futbol yulduzlaridan biri, jahon chempioni, murabbiy. 30. Yaponiya terma jamoasi darvozaboni. 31. Jahon chempionati bir marta bo'lib o'tgan qit'a. 32. "Barselona" jamoasi a'zosi, Ispaniya terma jamoasi himoyachisi. 33. Maradona o'ynagan terma jamoa. 34. Kosta-Rika terma jamoasi yarim himoyachisi. 35. "Cvaladaxara" jamoasi a'zosi, Meksika terma jamoasi himoyachisi. 36. Senegal terma jamoasi hujumchisi.

Tuzuvchi: Foziljon OROPOV

МУАССИС
ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Камолиддин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари (“Yoshlar ovozi”); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари (“Молодежь Узбекистана”); Елена Калинин — масъул котиб (“Молодежь Узбекистана”).

Дизайнерлар
Абдуллаев Хуршид
Ўқтамжонович
Норбоев Жамолдин
Жуманазар ўғли

Навбатчи
Нозима Мияссарова

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиб таҳририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоиси япишилган нархда.

Буғурма Г. 636
Адаби — 21676

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топшириш — 00.30
УзА жукни — 21.55

Офсет усулида босилган.